



Жаҳонгир Эргашев

Бухоро давлат университети доцент,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

j.y.ergashev@buxdu.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15487109>

ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ ПАРЧАЛАНИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Ушбу мақола Марказий Осиёдаги дастлабки турк давлатларидан бири бўлган Турк Хоқонлигининг парчаланиши сабаблари ва оқибатларини ўрганишга бағишланган. Муаллиф ички омиллар (қабила раҳбарлари ўртасидаги сиёсий низолар, хоқонлар вафотидан кейин ҳокимият учун кураш) ва ташқи омилларни (Хитой, Эрон ва Византиянинг босими) таҳлил қилади. Буюк Ипак йўлининг хоқонлик иқтисодиётидаги роли ва геосиёсий рақобатга таъсири алоҳида эътиборга олинган. Мақолада, шунингдек, хоқонликнинг Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниши, уларнинг кейинги тақдири ва бу воқеанинг турк халқлари тарихига таъсири кўриб чиқилади. Тадқиқот тарихий манбалар, археологик маълумотлар ва етакчи олимларнинг асарларига асосланиб, парчаланиш сабаблари ва оқибатларини комплекс баҳолайди.

Калит сўзлар: Турк хоқонлиги, давлатнинг парчаланиши, ички низолар, Буюк Ипак йўли, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, Шарқий ва Ғарбий хоқонликлар, сиёсий беқарорлик, ташқи босим, қабила тузилмаси, тарихшунослик.

Адабиётлар таҳлили ва методология: Мақолада Л.Н. Гумилёв, П. Голден, С.Г. Кляшторний, Р.Т. Ганиев каби олимларнинг турк тарихини ўрганишга қўшган ҳиссалари кўриб чиқилган. Методологияга сиёсий жараёнларни қиёсий таҳлил қилиш, тарихий йилномалар (масалан, Н. Бичуриннинг Хитой йилномалари) ва археологик топилмаларни талқин қилиш киради. Хусусан, хоқонликнинг парчаланиш санаси ва сабабларига оид турли нуқтаи назарлар танқидий кўриб чиқилган. Мақола муаллифи Ж.Эргашев Л. Гумилёвнинг “Жаҳон сиёсати”нинг давлат парчаланишидаги ролини таъкидлаган ҳолда, иқтисодий ва маъмурий омилларни камраб олган альтернатив гипотезаларни ҳам ўрганади. Маҳаллий ҳукмдорларнинг унвонлари, бошқарув тузилмаси ва савдо йўлларининг роли ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилган.

Кириш. Турк хоқонлиги VI асрда Марказий Осиёда ташкил топган илк туркий империялардан бири бўлиб, ўзининг қисқа, аммо таъсирчан ҳукмронлиги давомида кенг ҳудудларни ўз ичига олган қудратли давлатга айланган. Халқаро савдо йўллари, ҳарбий юришлар ва дипломатик алоқалар орқали Хитой, Эрон ва Византия каби йирик цивилизациялар билан муҳим ўринга эга бўлган бу империя VI асрнинг 80-йилларига келиб, ички низолар ва ташқи босимлар натижасида Шарқий ва Ғарбий хоқонликларга бўлиниб кетган.

Турк хоқонлигининг бўлинишига сабаб бўлган омиллар, Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда бу ажралишнинг туркий дунё тарихига таъсири ҳозирги кунда ўрганилиши муҳим бўлган илмий мунозараларга сабаб бўлиши мумкин бўлган масалалардан биридир. Давлат ичидаги зиддиятлар, хоқонлар ўртасидаги рақобат, Хитой сиёсатининг роли ва

ташқи кучларнинг аралашуви каби омиллар хоқонликнинг парокандаликка юз тутишида муҳим рол ўйнаган. Шу билан бирга, бўлинишдан кейин шаклланган сиёсий тизим ва янги хоқонликларнинг келажакдаги тақдири ҳам масаланинг муҳим жиҳатларидандир.

Кўпчилик олимлар фикрича, бўлиниш жараёни VI асрнинг иккинчи ярмида Таспар хоқон (572-581)нинг вафотидан сўнг юзага келган сиёсий ва ижтимоий муаммолар билан боғлиқ[13. 94]. Одатда, бўлинишнинг сабаблари сифатида бир қатор сабаблар келтирилади:

1. Ички сиёсий низолар: Таспар хоқоннинг вафотидан кейин тахт учун кураш бошланди. Хоқонлик ичида турли қабила бошлиқлари ва зодагонлар ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилдилар. Бу низолар давлатни ички жиҳатдан заифлаштирди;

2. Худудий кенгайиш оқибатлари: Турк хоқонлиги катта ҳудудларни эгаллаган бўлса-да, бундай кенг ҳудудни бошқариш қийин бўлган. Марказлашган бошқарувнинг етишмаслиги ва маҳаллий қабилаларнинг мустақиллик истаги бўлинишга олиб келди.

3. Савдо йўллари нazorat қилиш учун рақобат: Буюк Ипак йўли Турк хоқонлиги иқтисодий қудратининг асоси эди. Шарқ ва Ғарбдаги зодагонлар ушбу савдо йўллари нazorat қилиш учун кураш олиб бориб, давлат ичида бўлинишни тезлаштирдилар.

Таъкидлаш мумкинки, Турк хоқонлиги кучли қабила бошқаруви ва ҳарбий қудратга асосланган давлат эди. Аммо давлат ҳудуди кенгайгани сари ички низолар ва қабила бошлиқлари ўртасидаги рақобат кескинлашган. Хоқонликнинг “Ашина” сулоласи ўзаро ички низолар ва тахт учун кураш натижасида бир неча гуруҳларга бўлиниб кетди. Бумин хоқон (552-553)дан кейин унинг ўғиллари ва авлодлари ўртасида ҳокимиятни бўлиш учун келишмовчиликлар юз бера бошлаган. Давлатнинг турли қисмларидаги қабила бошлиқлари марказий ҳокимиятни тан олишни истамаганлар ва мустақилликка

интилганлар. Шу ўринда айтиш лозимки, туркий давлатчилик анъаналарида маҳаллий ҳокимият анчагина мустақил бўлиб, бу бўйсунувчи ҳукмдорларни бошқариш тизимида намоён бўлади. Жумладан, кейинчалик Ғарбий турк хоқонлигида ҳар бир ҳудуд ёки қабиланинг ўз бошқарувчи сулола ва ҳукмдорлари бўлган[11. 144]. Тарихий адабиётларда Ғарбий Турк хоқонлигига кирувчи маҳаллий ҳокимликларда “элтабар”, “тудун”, “тархон”, “эркин” каби унвонлар жорий қилинганлиги ҳақида маълумотлар берилади[4. 375]. Жумладан, Ғарбий хоқонликнинг марказий шаҳарларидан бири бўлган Чоч (Тошкент) шаҳрида исломга қадар бўлган даврларда “тудун” ва “тегин” унвонлари ҳукмдорларнинг асосий унвонлари бўлиб ҳисобланган[12. 47]. Бу амалиёт олий ҳокимият ҳукмдорларга маневр қилиш ва кучлар мувозанатини сақлаш имконини берган. Бу ҳолат туркий давлат анъаналарининг муҳим хусусиятларидан бири сифатида эътироф этилиши керак. Бундай ҳолатда ҳокимият ҳудудларни бошқариш эмас, балки кўчманчилар ва уларнинг маълумотларига эгалик қилиш, улусларни бошқариш сифатида талқин этилган[19. 83]. Шу тариқа, минтақавий элита фақат муваффақиятли ҳукмронликни амалга оширган тақдирдагина олий ҳукмдорга содиқ бўлган (одатда бу фаол ҳарбий кампаниялар орқали амалга оширилган). Акс ҳолда, кўпинча ҳукмдордан юз ўгирилган[5. 83]. Бу туркий давлатларда ҳокимиятнинг аҳоли эмас, балки уларга боғлиқ ҳудудлар устидан амалга оширилишини кўрсатади[19. 83]. Маҳаллий ҳокимиятнинг кучайиши ва олий ҳокимиятнинг беқарорлиги аксари ҳолларда туркий давлатларнинг парчаланишига олиб келган. Бу ҳолатни Л.Гумилёв қуйидагича таърифлаган: *“Даштда бўйинсуниш икки томонга мажбурият юклайдиган тушунча. 50 минг ўтовни ўз ҳукмида сақлаш учун ўша ўтов аҳлининг истагига биноан иш тутмоқ лозим”*[10. 32]. Шу нуқтаи назардан, Турк хоқонлигининг бўлинишини таҳлил қилган вақтда, давлатнинг маъмурий бирликларида марказий ҳокимият билан тўлақонли зиддиятлар юзага келган ҳолатнигина бўлиниш сифатида қайд этиш мумкин.

Бундан ташқари, хоқонлик бўлинишининг иккиламчи характерга эга иқтисодий ва ижтимоий сабабларини ҳам қайд этиш мумкин. Давлатнинг иккига бўлинган ҳудудларда турли савдо йўлларининг аҳамияти катта эди. Шарқий қисм Буюк Ипак йўлининг шарқий қисми устидан назоратни сақлаб қолишга интилган бўлса, Ғарбий қисм Амударё, Сирдарё ва Каспий денгизи бўйлаб савдо йўлларига эътибор қаратган. Шарқий Турк хоқонлиги аҳолиси, асосан, чорвачилик ва савдо билан шуғулланган. Ғарбий Турк хоқонлиги хўжалиги эса ўтроқ деҳқон ва кўчманчи қабилалар ўртасидаги алоқаларга асосланган эди.

Турк хоқонлиги бўлиниши натижасида икки йирик давлат шаклланиб, улардан бири – Шарқий Турк хоқонлиги маркази Мўғулистон ҳудудида Ўрхун воҳасида жойлашган ва Ашина хонадони томонидан бошқарилган давлат ҳисобланади. Ғарбий Турк хоқонлиги эса маркази Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган эди. Бу давлатнинг мақсади бошқа йирик империялар каби Буюк Ипак йўли савдо йўлларининг назоратини ўз қўлида ушлаш бўлган. Ғарбий Турк хоқонлиги Эрон, Кавказ ва Шарқий Европа чегараларига яқин жойлашган бўлиб, иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган эди. Аммо, бўлиниш натижасида Шарқий ва Ғарбий хоқонликларнинг шаклланиши қайси йилда юз берганлиги ҳақида олимларнинг хулосалари яқдил эмас.

Л.Гумилев ўз асарларида Турк хоқонлиги тарихини аниқ ажратиб кўрсатмайди. Олим “Турк хоқонлиги”ни назарда тутган ҳолда, унинг тарихини 545-йилдан бошлаб 603-йилгача давом эттиради. Унинг фикрича, шу даврдан Шарқий ва Ғарбий Турк хоқонликларига бўлиниш содир бўлган[9. 69]. Л.Гумилёв фикрининг умумеътироф этилган нуқтаи назаридан асосий фарқи шундаки, бўлинишнинг асосий сабаби Турк хоқонлиги ичидаги ўзаро уруш эмас, балки “жаҳон сиёсатидаги ўзгаришлар” эди[9. 13]. 581-йилда Турк хоқонлигида бўлиб ўтган ўзаро курашнинг асосий натижаси, Л.Гумилёвнинг таъкидлашича, унинг Ғарбий қисмининг 603-йилгача давом этган мустақамланиши бўлган. П.Голден эса ушбу санани бўлиниш эмас, Тарду хоқоннинг шарқий ва ғарбий

қисмларни бирлаштириб, йирик империя шакллантиришга қилган ҳаракатининг тўлиқ муваффақиятсизликка учраши сифатида кўради[1. 39].

Шунингдек, Л.Кизласов ўзининг сўнгги асарларида Биринчи Турк хоқонлигини 555-581-йилларда ҳукмронлик қилганлигини ажратиб кўрсатган ва 682-745-йиллар Иккинчи Турк хоқонлиги сифатида, “Шарқий” атамаси ишлатилмаган ҳолатда келтирилган [15. 71-72]. Бундан ташқари, С.Кляшторнийнинг ёзишича, Биринчи Турк хоқонлигидаги ўзаро уруш 20 йил давом этган ва 603-йилда икки давлат – Ғарбий Турк ва Шарқий Турк хоқонликларига парчаланиш билан якунланган. Бироқ, олим энди бу икки давлатни мустақил равишда ажратиб кўрсатмай, уларни Биринчи Турк хоқонлигининг 630-йилгача бўлган тарихи сифатида олиб боради[14. 92,97]. Олимнинг фикрича, 630-йилдан 682-йилгача бўлган даврда Шарқий Турк хоқонлиги мустақил давлат сифатида мавжуд бўлмаган. Бироқ, шу ўринда С.Кляшторний 679-689-йилларда шарқий турклар ўз давлатларини тиклаганликларини қайд этади. Унинг фикрича, бу Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги бўлиб, унинг тарихи 744-йилгача давом этган[14. 110]. Аммо, Иккинчи Шарқий Турк хоқонлиги каби ажратиш хоқонлик сиёсий тарихи таърифига бироз чалкашлик киритиши мумкин.

Тарихчи Ғ.Бобоёров эса Ғарбий Турк хоқонлигининг ташкил топиш санасини 568-йил деб белгилашни таклиф қилган. Олим ўзининг фикрини қуйидагича асослайди: *“Ғарбий Турк хоқонлиги 568-йилда, яъни хоқонлик қўшинлари ғарбда Эфталитлар давлатига барҳам берган ва Истами ябғу жияни Муғон хоқон (553-572) томонидан хоқонликнинг ғарбдаги юришларига масъул қилинган бир пайтда Ябғулик ҳолатини олади”*[7. 90]. Бироқ, ғарбий ҳудудлар ўз номи билан “ябғулик” ҳолатида бўлганлиги боис, уни мустақил давлат сифатида қабул қилиш бироз шубҳали бўлиши мумкин.

Р.Ганиев эса Таспар хоқон даврида ҳудудларнинг ўнг ва икки қанотга бўлиниб бошқарила бошланганлигига урғу бериб, ушбу маъмурий ислохот

хоқонликнинг Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралишига пойдевор бўлганлигини таъкидлайди ҳамда бўлиниш хоқоннинг вафоти билан 581-йилда юз берган деб ҳисоблайди[8. 13]. Бироқ, бу фикрни хоқонликнинг иккига расмий ажралиши сифатида қабул қилиш учун ҳам, қабул қилмаслик учун асослар бор. Бу ўринда Ғарбий хоқонликда катта таъсирга эга бўлган Истами ябғунинг ўғли Тарду (576-йилдан ғарбдаги ўлкалар ҳокими, 599-603-йилларда Шарқий хоқон) шахсияти билан боғлиқ масала асосий ўринга чиқади. Аниқроғи, Қора Чўрин Турк номи фақатгина Наршахийнинг асарида тилга олинган бўлиб, уни кўпчилик олимлар Тарду хоқон билан бир шахс эканлигига шубҳа билдирмайдилар[3. 23]. Бироқ, айнан Таспар хоқон вафотидан кейин хоқонликда тахт учун курашлар авж олиб кетганлигига бўлиниш асоси сифатида қараш мумкин бўлгани каби Ғарбий ҳудудларни бошқараётган Тардунинг бу вақтда ҳали ҳам “хоқон” унвони билан аталмаганлиги бу фикрни рад этиши мумкин.

Маъмурий бўлинишнинг давлат бўлинишига асос қилиб кўрсатган вақтда шуни эътиборга олиш лозимки, Турк хоқонлиги ташкил топган вақтлардаёқ икки ҳукмдорли бошқарув тизими шакллантирилган бўлиб, Шарқда хоқон, Ғарбда эса ябғу ҳукмронлик қилган. Шаҳзода Култегин битиғида Истамининг номи “хоқон” унвони билан ёзилганлиги ҳам бежиз эмас[17. 36]. Аммо, давлатда фақатгина хоқоннинг ҳукмронлиги олий деб тан олинганлиги боис, Ғарбий хоқонлик расман мустақил ва алоҳида давлат сифатида қабул қилмаслик мумкин. Албатта, Истами хоқон сулоланинг асосчиси бўлган Буминнинг укаси бўлганлиги боис бундай номланиш истисно тариқасида фақат унга мувофиқ кўрилган бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Бундан ташқари, Хитой йилномаларидаги маълумотларга асосланиб, Н.Бичурин бўлинишнинг 583-йилда юз берганлигига ишора қилган. Чунки, унинг таржималарида Ғарбий Турк хонадони ҳукмдорларига ажратилган бобда Далобян (Або хоқон ёки Абруй, 583-587) номи Ғарбий Турк хоқонлигининг дастлабки ҳукмдори сифатида кўрсатилади [6. 279]. Бу назариянинг

маъқулланиши учун Ишбара хоқон (581-587) ва Або хоқон ўртасидаги сиёсий курашнинг бошланиши ва бунинг натижасида Або хоқон ғарбий ҳудудларга чекиниб, ҳукмдорлик қила бошлаганлиги ҳақидаги фактни асос сифатида келтириш мумкин. Аслини олганда ҳам, Або хоқоннинг ғарбга юриши хоқонликнинг икки томони ўртасидаги дастлабки қуролли тўқнашув ҳисобланиб, бу ҳолатни давлатнинг расман иккига бўлиниши дея таърифлаш мумкин. Унга қадар бўлган бўлиниш характери деярли барча дашт империяларида бўлгани каби анъанавий маъмурий бошқарув хусусиятларини ўзида намоён этган.

Эслатиш жоизки, Турк хоқонлиги иккига бўлинишининг санасини 588-йил деб белгилайдиган олимлар ҳам бор **[18. 73-74]**. Бу фикрнинг келиб чиқишига Або хоқон қўзғолонининг бостирилиб, қатл этилиши ва Ишбара хоқондан кейин тахтга ўтирган укаси Чулохоу (Баға хоқон, 587-588)нинг қисқа ҳукмронлиги поёнига етганлиги асос қилиб олинган бўлиши мумкин. Катта эҳтимолга кўра, Чулохоу сосоний саркардаси Баҳром Чўбин отган ўқдан ҳалок бўлган**[16. 26., 20. 143]**. Бироқ, Муғон хоқон авлодларининг Ғарбий хоқонликда ҳокимиятни сақлаб қолганлиги эҳтимоли юқорида келтирилган бўлиниш санасининг сиёсий аҳамиятини бироз пасайтиради. Шунингдек, хоқонликнинг 603-йилда мустақил икки қисмга тўлиқ бўлиниб кетганлиги кўпчилик олимлар томонидан маъқулланса-да, бунга асос бўлган омил – ўша вақтда Шарқий хоқонлик тахтида турган Қора Чўрин вафоти сабабли Ғарбий хоқонликда ҳукмронлик қилаётган унинг авлодлари (гарчи невараси эканлиги бироз шубҳали бўлса-да, Нири хоқон) Шарқ билан сиёсий алоқаларининг буткул узилишидир. Аммо, тўлиқ Қора Чўрин авлодларининг тўлиқ исботланмаган генеалогияси ушбу фикрни танқид қилишга имкон яратади.

Або хоқон қўзғолони Турк хоқонлиги бўлинишига асос бўлганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу қўғолонга туртки берган омилларни ҳам давлат бўлинишининг кичик сабаблари сифатида келтириш мумкин. Аввало, бу

қўзғолон ҳоқонликнинг ички сиёсий зиддиятлари ва қабила раҳбарлари ўртасидаги ҳокимият учун кураш натижасида юзага келган. Або ҳоқон аслида Муғон ҳоқоннинг ўғли бўлиб, Турк ҳоқонлигининг шарқий қисмида катта нуфузга эга бўлган. У Турк ҳоқонлигида муҳим ҳарбий бошлиқ ва сиёсий раҳбар сифатида танилган ва шимолий амакиси Таспар ҳоқон даврида шимолий ҳудудлар бошқарувига масъул бўлган[10. 66]. Таспар ҳоқон вафотидан сўнг, тахт учун курашлар бошланган вақтда Або ҳоқон ҳоқонлик тахтига асосий даъвогарлардан бири эди. Лекин, унинг рақиблари, онасининг келиб чиқишига кўра, сулоланинг бошқа вакили – Ишбара ҳоқонни қўллаб-қувватлаганлар. Натижада Або ҳоқон ҳоқонликнинг бир қанотига ҳоким бўлиш билангина кифояланган.

Ишбара ҳоқон билан доимий рақобат охир-оқибат қонли низога айланиб, Або ҳоқоннинг Турк ҳоқонлигининг шарқий қисмидаги қабила бошлиқларини атрофида бирлаштириши ва марказий ҳокимиятга қарши қўзғолон кўтаришига олиб келган. Бироқ, қўзғолон давомида ички келишмовчиликлар ва марказий ҳокимиятнинг ҳарбий кучи туфайли қўзғолон тезда муваффақиятсизликка учраб, Або ҳоқон ҳоқонликнинг ғарбий қисмига қочиб кетишга мажбур бўлган[2. 37]. Ўша вақтда ғарбий ҳудудлар ҳукмдори бўлган Тарду Або ҳоқонни қўллаб-қувватлаб, уни кучли қўшин билан шарққа томон йўллаган. Аммо, кейинроқ Хитой кўмагига суянган Ишбара ҳоқондан кетма-кет мағлубиятлар ва унинг вориси бўлган Чулохоунинг узил-кесил ғалабаси Або ҳоқоннинг ўдирилиши билан якунланган [6. 236-239]. Ҳоқонлик тахтига асосий даъвогарлардан бўлган Або ҳоқоннинг ҳоқонлик ғарбий қисмига келиши, унинг ғарб ҳокимлари томонидан марказий ҳокимиятга қарши қўллаб-қувватланиши, ғарбий қўшинларнинг шарққа, ундан сўнг шарқий қўшинларнинг ғарбга бостириб келиши каби белгилар ҳоқонликнинг расман иккига бўлиниб кетганлигини англатади. Чунки, шу вақтдан бошлаб икки томондаги ҳокимият бир-бирига сиёсий боғлиқлигини тўхтатган.

Умуман олганда, давлат ичидаги ғалаёнлар ва кўзғолонларнинг кучайиши, Хитой, Эрон ва Византия каби қўшни давлатлар томонидан етказилган босим ва аралашувлар ҳам давлатни заифлаштирганлиги ва бу ҳолат хоқонликнинг парчаланишига катта таъсир қилганлигини қайд этиш мумкин. Хоқонликнинг бўлиниш санаси сифатида икки қисмда сулоланинг икки тармоғи ҳокимиятига асос солинган ҳамда қуролли кураш бошланган 583-йилни қабул қилиш мумкин. Турк хоқонлигининг иккига бўлиниш оқибатида давлатнинг қудрати сусайган ва бу унинг ташқи босимларга қарши заифлашишига олиб келган. Айниқса, заифлашиш хоқонликнинг иккала қисми ўртасида сиёсий ва ҳарбий низолар бошланиши билан янада яққол намоён бўлади. Бундан ташқари, бўлиниш натижасида хоқонлик таркибидаги қабилалар ва ҳудудлар бирмунча мустақил ҳаракат қилиш имконига эга бўлганлар. Бу эса кейинчалик Шарқий Турк хоқонлигининг Тан сулоласи томонидан босиб олиниши ҳамда даштларда янги кўчманчи давлатларнинг шаклланишига замин яратган. Шунингдек, бўлиниш маълум маънода савдо ва маданий алоқаларнинг узилишига сабаб бўлиб, Ипак йўли бўйлаб бир вақтлар марказлашган назоратнинг заифлашувига олиб келган. Турк хоқонлигининг бўлиниши тарихий жараён сифатида туркий халқлар сиёсий ва маданий тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Golden P.B. Central Asia in world history. – New-York: Oxford University Press, Inc., 2011. – 180 p.
2. Xiong V.C. Historical dictionary of medieval China. – Lanham – Toronto – Plymouth: The Scarecrow Press, Inc., 2009. – 731 p.
3. ан-Наршахи, Абу Бакр Мухаммад ибн Джа'фар. Та'рих-и Бухара. История Бухары. Перевод, комментарии и примечания Ш.С. Камолиддина. Археологическо-топографический комментарий Е.Г. Некрасовой. – Ташкент: SMIASIA, 2011. – 600 с.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. – 680 б.

5. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков. – Москва: Издательство «Наука» – Главная редакция восточной литературы, 1965. – 196 с.
6. Бичурин (Иакинф) Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена / Т.1. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1950. – 384 с.
7. Бобоёров Ғ. Ғарбий Турк ҳоконлигининг давлат тузуми. Масъул муҳаррир М.Исҳоқов; ЎзРФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Тошкент: “Yangi nashr”, 2018. – 356 б.
8. Ганиев Р.Т. Восточно-тюркский каганат в Южной Сибири и Центральной Азии во второй половине VI – первой половине VIII вв. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Екатеринбург, 2006. – 24 с.
9. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – Москва: Издательство «Наука» – Главная редакция восточной литературы, 1967. – 504 с.
10. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Таржима, кириш сўз муаллифлари ва нашрга тайёрловчилар: Бахтиёр Ўрдабекли, Абдуқаюм Айритомий. – Тошкент: Фан, 2007. – 500 б.
11. История народов Узбекистана. Т.1. С древнейших времен до начала XVI века. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1960. – 576 с.
12. Исхаков М., Камолиддин Ш., Бабаяров Г. Титулатура доисламских правителей Чача. – Тошкент: Ташкентский Государственный институт востоковедения, 2009. – 88 с.
13. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. – Санкт-Петербург: Филологический факультет СПбГУ, 2003. – 560 с.
14. Кляшторный С.Г., Савинов Д.Г. Степные империи древней Евразии. – Санкт-Петербург: Филологический факультет СПбГУ, 2005. – 346 с.
15. Кызласов Л.Р. Очерки по истории Сибири и Центральной Азии. – Красноярск: Издательство Красноярского университета, 1992. – 224 с.
16. Латипов Ж. Хитанлар: давлатчилик сари йўл (монография). – Тошкент: Наврўз, 2019. – 92 б.
17. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности Монголии и Киргизии. – Москва – Ленинград: Издательство Академии Наук СССР, 1959. – 112 с.
18. Новосельцев А.П. Хазарское государство и его роль в истории Восточной Европы и Кавказа. – Москва: «Наука», 1990. – 264 с.

19. Федоров-Давыдов Г.А. Общественный строй Золотой Орды. – Москва: Издательства Московского университета, 1973. – 180 с.
20. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи. – Тошкент, 2012. – 456 б.

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О РАСПАДЕ ТЮРКСКОГО КАГАНАТА

Аннотация. Данная статья посвящена исследованию причин и последствий распада Тюркского каганата, одного из первых тюркских государств в Центральной Азии. Автор анализирует внутренние факторы, такие как политические конфликты между племенными лидерами, борьба за власть после смерти каганов, а также внешние причины, включая давление со стороны Китая, Ирана и Византии. Особое внимание уделено роли Великого Шёлкового пути в экономике каганата и его влиянию на геополитическую конкуренцию. Статья также рассматривает процесс разделения каганата на Восточный и Западный, их дальнейшую судьбу и влияние этого события на историю тюркских народов. Исследование основано на исторических источниках, археологических данных и трудах ведущих учёных, что позволяет комплексно оценить причины распада и его последствия.

Ключевые слова: Тюркского каганат, распад государства, внутренние конфликты, Великий Шёлковый путь, социально-экономические отношения, Восточный и Западный каганаты, политическая нестабильность, внешнее давление, племенная структура, историография.

SOME REFLECTIONS ON THE DISINTEGRATION OF THE TURKIC KHAGANATE

Abstract. This article is devoted to the study of the causes and consequences of the collapse of the Turkic Khaganate, one of the earliest Turkic states in Central Asia. The author analyzes internal factors, such as political conflicts between tribal leaders,

power struggles following the deaths of khagans, as well as external causes, including pressure from China, Iran, and Byzantium. Special attention is paid to the role of the Great Silk Road in the khaganate's economy and its impact on geopolitical competition. The article also examines the process of the khaganate's division into Eastern and Western parts, their subsequent fate, and the influence of this event on the history of Turkic peoples. The research is based on historical sources, archaeological data, and works by leading scholars, enabling a comprehensive assessment of the causes and consequences of the collapse.

Key words: Turkic Khaganate, state collapse, internal conflicts, Great Silk Road, socio-economic relations, Eastern and Western Khaganates, political instability, external pressure, tribal structure, historiography